

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси номидан 24.01.2022 й №21 сонли бош ишончнома асосида Р.Холикназаров бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "QURILISH TEX MONTAJ CONSTRUKSIYA" МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Х.Пайзиллаев иккинчи томондан «Кўкон шаҳар Афғонбоғ МФЙнинг Афғонбоғ ва Бурчилик кўчаларига ичимлик ва оқова сув тармоғи тортиш» объектга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I.Тарифлар

1.Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;**қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;**вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;**шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

II.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан «Кўкон шаҳар Афғонбоғ МФЙнинг Афғонбоғ ва Бурчилик кўчаларига ичимлик ва оқова сув тармоғи тортиш» объектида лойихада кўзда тутилган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар 2022 йил "23" ноябрь кунги №191304-сонли электрон баённома билан шакилланди қурилиш монтаж ишлари қиймати кўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган холда жорий нархларда **271 228 524** (икки юз етмиш бир миллион икки юз йигирма саккиз минг беш юз йигирма тўрт) сўмни ташкил этади.Шундан 2022 йил учун бажариладиган ишлари қиймати кўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган холда **271 228 524** (икки юз етмиш бир миллион икки юз йигирма саккиз минг беш юз йигирма тўрт) сўмни, молиялаштириладиган маблағ кўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган холда **257 667 097** (Икки юз эллик етти миллион олти юз олтмиш етти минг тўксон етти) сўмни, ташкил этади.Қолган маблағ объект фойдаланишга топширилиб қафолат муддати тугагандан сўнг белгиланган тартибда тўлаб берилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:-қурилиш қийматини кўпайтириш энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга " " иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50 % ўз кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ва унга ҳисоботларни ойма-ой буюртмачига топшириш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ муддатида тугатиб топшириш;-___-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклаш; қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;-қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;-қурилиш таваккалчиликларини сўғурта қилиш;-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт

воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;-қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши, шунингдек, объектда бажарилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисоботларни ва объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилади ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;-Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;-Объект махсус ҳисоб варағига маблағлар берилганидан сўнг молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;-мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI.Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:-миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;-кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома конун ҳужжаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 иш кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14. Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Буюртмачи Пудратчига ажратилган маблағ учун бажариладиган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдоридан, икки ойга тенг улушларга (ойига 15фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказилади, бу $40\ 684\ 278.50 \times 2 = 81\ 368\ 557$ (саксон бир миллион уч юз олтмиш саккиз минг беш юз эллик етти) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун объект махсус ҳисоб рақамига маблағлар ажратилганидан сўнг ойлик бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари ҳамда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 майдаги ПФ-140-сон Фармонида асосан белгиланган тартибда ажратилган аванснинг мутаносиб равишда ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, объектга ажратилган маблағ қиймати учун бажариладиган ишлар жорий қийматининг 95 фоизи миқдоридан ҳар ойда жорий молиялаштирилади.

17. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб китоб, яъни объектнинг шартномавий жорий қийматининг 5% қурилиш тугалланган объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Пудратчи томонидан объектнинг фойдаланувчисидан кафолат муддатида объектда камчиликлар аниқланмаганлиги ҳамда кафолат суммасини тўланишига эътирози йўқлиги ҳақидаги маълумот тақдим этилганидан кейин амалга оширилади, ушбу ҳужжатлар Пудратчининг айби билан ўз вақтида Буюртмачига тақдим этилмаганлиги сабабли даъво муддати ўтган ёки ажратилган маблағ бюджетга қайтганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган ҳолларда Буюртмачи Пудратчи олдида мулкый ва бошқа тусда жавобгар ҳисобланмайди.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII.Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник назоратчини ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қўрилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.

30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

31. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

32. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исалган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса ва уларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

33. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

34. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради, озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

35. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишнинг тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш.

36. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсишган қурилиш ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

37. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

38. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

39. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

40. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

41. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан, яъни Пудратчи объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади.

42. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

43. Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади фойдаланувчига 1-ой муддат ичида топширилиши шарт.

XII. Кафолатлар

45. Пудратчи: -барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; -лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлашни лозим; -ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; -ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни; -объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

46. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.

47. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

48. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иккисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

49. Буюртмачи: -шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; -ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига рўя этилмаганда; Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

50. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда; Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

51. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

52. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидага мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборadi.

53. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

54. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

55. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

56. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди. Вилоят молия бошқармасидан объектнинг Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ берилмаганлиги сабабли, тўловни амалга оширмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

57. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

58. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

59. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

60. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектуруриятиш назорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортгани, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

61. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

62. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

63. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашни тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёزلарни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

XVI. Низоларни ҳал қилиш

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахлланишни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлашни керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишларни якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди ва Ҳазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга ҳисобланади ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пудратчи”

**"QURILISH TEX MONTAJ
CONSTRUKSIYA" MCHJ**

Манзил: Қувасой шаҳри Кучкорчи кичилоғи

р/сч 20208000205078681001

Тел: 99-225-14-30

«Ипак Йўли банк» Фарғона шаҳар филиали

МФО: 01168, ИНН: 306 439 112

“Буюртмачи”

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси

Манзил: Фарғона ш. Б.Марғиноний 143-уй

Тел./факс: 0-373-244-72-04

шхр: 401722860304057063201110001

СТИР: 305-987-080

ОКОНХ 42210

ХР: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014


СТИР: 201 122 919

Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси

Рахбар:  М.Йўсупов

М.Ў.



Рахбар:  Р.Холикназаров

М.Ў.



Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартли тўғрисида» Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Пудратчи рахбари шартномани имзолаш ҳуқуқига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишлилигини аниқладим. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Юрист



А.А.Нишонов

"УТВЕРЖДАЮ"
 "Узсувтаъминот" АЖ "Сув таъминоти ва
 оқова сув объектлари қурилиши бўйича
 инжиниринг компанияси" УК директори

_____ Х.Якубов

" ____ " _____ 2022 й.

Қурилишнинг титуль рўйхати

Бўлим I. Қурилиш бўйича асосий маълумотлар

1. Қурилиш жойи ва номи	Қўқон шаҳар Афғонбўғ МФЙнинг Афғонбўғ ва Бурчилик кўчаларига ичимлик ва оқова сув тармоғи тортиш				
инвестор	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси				
Буюртмачи	Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси				
Лойихачи номи	1-БУЛИМ ХУСУСИЙ ФИРМАСИ				
ЛХС	Бор				
Экспертиза	№68977 08.11.2022 й				
Бош пудратчи	"QURILISH TEX MONTAJ KONSTRUKSIYA" МЧЖ				
Молиялаштириш манбаси	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси				
Қурилиш бошланиш ва тугаш вақти	2022-й.				
2. Қурилишнинг асосий кўрсаткичлари:	Лойиха бўйича	1.01.2022 й. Ҳолатига қолдиқ	1.01.2023 й. Ҳолатига қолдиқ		
Қуввати (ўлчов бирлигларига асосан)					
Асосий фондлар	285,25	285,25	0,00		
Капитал қўйилмалар	285,25	285,25	0,00		
Қурилиш монтаж ишлари	271,23	271,23	0,00		
Ускуна, жихозлар, инвентарлар	0,00	0,00	0,00		
Бошқа иш ва хизматлар	14,02	14,02	0,000		
Буюртмачининг сақлаш харажатлари		0,00	0,00		
2022 йил учун МВ ва ИТКҚВ билан келишилган манзиллий рўйхатга асосан	Шартнома нархларида (млн.сўм)				
Қуввати (ўлчов бирлигларига асосан)		0			
Асосий фондлар		285,25			
Капитал қўйилмалар		285,25			
Қурилиш монтаж ишлари		271,23			
Ускуна, жихозлар, инвентарлар		0,00			
Бошқа иш ва хизматлар		14,02			
Буюртмачининг сақлаш харажатлари		0,00			
Бўлим II. 2022 йил чорақлар бўйича. (жорий нархда млн.сўм)					
	йиллик жами	жумладан чорақлар бўйича			
		I	II	III	IV
Фойдаланишга топшириш қуввати	0				
Асосий фондлар	285,25				
Капитал қўйилмалар	271,69	0,00	0,00	0,00	271,69
Қурилиш монтаж ишлари	257,67	0,00	0,00	0,00	257,67
Ускуна, жихозлар, инвентарлар	0,00				
Бошқа иш ва хизматлар	14,02				14,02
Буюртмачининг сақлаш харажатлари	0,00				

Буюртмачи:



"Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи:

Р.Холикназаров

Пудратчи:

"QURILISH TEX MONTAJ KONSTRUKSIYA" МЧЖ

Х.Пайзуллаев



Кўкон шаҳар Афғонбўғ МФЙнинг Афғонбўғ ва Бурчилик кўчаларига ичимлик ва оқава сув тармоғи тортиш
Объекти бўйича қурилиш монтаж ишларини бажариш графиги

Ишлар бажариш даври - 2 ой

Жами қурилиш қиймати

2022 йилда бажариладиган ишлар
қиймати

2023 йилда бажариладиган ишлар
қиймати

271 228 524 (икки юз етмиш бир миллион икки юз йигирма саккиз минг беш юз йигирма тўрт) сшм ҚҚС билан

271 228 524 (икки юз етмиш бир миллион икки юз йигирма саккиз минг беш юз йигирма тўрт) сшм ҚҚС билан

Ишлар номи	қурилиш қиймати	2021 йилда бажариладиган ишлар қиймати	2022 йилда бажариладиган ишлар қиймати	2022 йил												Ишдан йилга ўтувчи объектнинг 2023 йил учун қолдиқ
				Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь			
				Объект бўйича жами	271 228 524,00	0,00	271 228 524,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	
Шу жумладан:																
Қурилиш монтаж ишлари	271 228 524,00		271 228 524,00										50 000 000	221 228 524,00		
Усуна, жиҳозлар, инвентарлар	0		0													

Буюртмачи:

“Сув таъминоти ва ўқома сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг
компанияси” Қўрағон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи:

Пудратчи:
“QURILISH TEX MONTAJ
CONSTRUKSIYA” MCHJ

Х.Пайзуллоев



Кўсон шаҳар Афғонбоб МФЙнинг Афғонбоб ва Бурилик кўчаларига ичимлик ва оқова сув тармоғи тортиш
Объекти бўйича қурилиш монтаж ишларини молиялаштириш графиги

Жами қурилиш қиймати 271 228 524 (икки юз етмиш бир миллион икки юз йигирма саккиз миң беш юз йигирма тўрт) сўм ККС билан

2022 йилда молиялаштирилган маблағ 257 667 097 (Икки юз эллик етти миллион олти юз олтимиш етти миң тўқсон етти) сўм ККС билан

2023 йилда молиялаштирилган маблағ (шундан кафолат суммаси ушлаб қолинади)


Молиялаштириш шартлари	Жами қурилиш қиймати	2021 йилда молиялаштирилган маблағ	2022 йилда молиялаштирилган маблағ	2022 йил												2023 йилда қолган маблағ
				Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Дектябрь	2022 йил учун 5% ли сума		
Аванс 30%	81 368 557,0		81 368 557,0											40 684 278,5	40 684 278,5	
бajarилган ишлар учун жорий молиялаштириш 65%	176 298 540,0		176 298 540,0											176 298 540,0		
Фойдаланишга топширилиб, кафолат муддати тугагандан сўнг молиялаштирилган маблағ 5%	13 561 427,0	0														13 561 427,0
ЖАМИ:	271 228 524,0	0	257 667 097,0	0	0	0	0	0	0	0	0	0,0	40 684 278,5	216 982 818,5	13 561 427,0	0

0,0

“Сув таъминоти ва оқова сув тармоғи тортиш қурилиши бўйича инжнениринг компанияси” У.К. Фирма раҳбари Х.Пайзуллаев бошқармаси бошлиғи:

Пудратчи:
“QURILISH TEX. MONTAJ CONSTRUKSIYA”
МЧЖ

Х.Пайзуллаев





№15/24/5788

**Курилиш-монтаж қалтисликларини
мажбурий суғурталаш
ПОЛИСИ**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 феврал кунида берилган СФ серияли ва 00028-сонли Лицензия асосида фаолият юритувчи, қуйида «Суғурталовчи» деб аталувчи "GROSS Суғурта компанияси" АЖ ушбу билан 28.11.2022 йил даги 15/24/5788-сонли Курилиш-монтаж таваккалчиликларини мажбурий суғурталаш шартномаси (қуйида- Суғурта шартномаси) бўйича мажбуриятлари кучга кирганлиғни тасдиқлайди.

СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ	"QURILISH TEX MONTAJ CONSTRUKSIYA" MCHJ
Юридик манзил	ФАРГОНА ВИЛОЯТИ, КУВАСОЙ ШАХРИ КУЧКОРЧИ КИШЛОГИ
Курилиш майдони манзили (СУГУРТА ХУДУДИ):	Кукон шаҳар, «Афгонбоғ» МФЙнинг Афгонбоғ ва Бурчилик кучаларига ичимлик ва оқова сув тармоғини тортиш
ЖАМИ СУГУРТА ПУЛИ	216 982 000,00 (Икки юз ўн олти миллион тўққиз юз саксон икки минг) сўм (курулиш объекти қийматининг 80% дан ошмаган миқдорда)
Суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги қалтислиги бўйича суғурта товони лимити	30 000 000,00 (Ўттиз миллион) сўм
Бир ҳодиса бўйича суғурта товони лимити	20% дан ошмаган миқдорда
Суғурта ҳодисасидан кейин ҳудудни тозалаш харажатлари	суғурта пулининг 2% дан ошмаган миқдорда
СУГУРТА ҲОДИСАСИ	суғурта шартномасининг шартларига мувофиқ.
СУГУРТА МУДДАТИ	28.11.2022 йил дан 26.01.2023 йил гача
СУГУРТА МУКОФОТИ	150 000,00 (Бир юз эллик минг) сўм
МАХСУС ШАРТЛАР	Суғурта шартномасининг шартларига мувофиқ суғурта мукофоти ўз вақтидан кейин тўланган тақдирда Суғурта шартномаси (Суғурталовчининг мажбуриятлари) келишилган суғурта мукофоти тўланган пайтдан бошлаб кучга киради.

СУГУРТАЛОВЧИ НОМИДАН

Фарғона филиали
директори



Арипова Р.В.

Полис берилган сана: 28.11.2022 йил

0289405

*Полис бланки химояланган

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 191304 на приобретение "Қўқон шаҳар Афғонбоғ МФЙнинг Афғонбоғ ва Бурчилик кўчаларига ичимлик ва оқава сув тармоғи тортиш" объектида қурилиш монтаж ишларини бажариш

Способ проведения электронный

Дата 23.11.2022

Время рассмотрения 23.11.2022 12:48

Закупочная комиссия Сув таъминот ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжинеринг компанияси УК, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XOLIQNAZAROV RUSTAMJON SOTIVOLDIYEVICH	бошкарма бошлиғи	"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Фарғона вилояти худудий бошқармаси
Секретарь комиссии	QURBONOV SALIMJON AXMADJONOVICH	маркетинг булими мутахасиси	"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Фарғона вилояти худудий бошқармаси
Член комиссии	ABDURAIMOV SHERZOD IKRAMOVICH	лойиха булими бошлиғи	"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Фарғона вилояти худудий бошқармаси.
Член комиссии	ENAZAROV UMID KOCHKARVA YEVICH	маркетинг булими бошлиғи	Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Фарғона вилояти худудий бошқармаси.
Член комиссии	NISHONOV AXMADJON ANVAROVICH	юрист	"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Фарғона вилояти худудий бошқармаси.
Член комиссии	XO'JAYEV NODIR ABDUNOSIROVICH	Бошкарма БОШЛИГИНИНГ ИКТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР БҮЙИЧА УРИНБОСАРИ	Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ИК Фарғона вил.худ. Бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.11.2022 года № лота 191304.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 56

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Строительно монтажные работы
Подробное описание	"Қўқон шаҳар Афғонбоғ МФЙнинг Афғонбоғ ва Бурчилик кўчаларига ичимлик ва оқава сув тармоғи тортиш" объектида қурилиш монтаж ишларини бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	273 968 206.00
Стартовая сумма	273 968 206.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 III. Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар (18 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Иш ҳақи фонди 20 млн. Сўм Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффиценти 1,25 ва ундан кўп ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0,2 ва ундан кўп

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QURILISH TEX MONTAJ CONSTRUKSIYA MCHJ	18	2 ва 3-шакллар	18	Экспертная		
ОЛТИАРИК ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК	18	1	18	Экспертная		

Критерий №2 VI. Қурилиш майдонини кўрганлик ва қурилиш объектини ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 7-шакл.(10 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги (рамлар асосида акс холда ҳисобга олинмайди) Тавсиянома (вилоят (шаҳар) қурилиш бўйича ҳоким ўринбосари ва қурилиш бош бошқармалари билан келишилган ҳолда)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QURILISH TEX MONTAJ CONSTRUKSIYA MCHJ	10	7-шакл	5	Экспертная		
ОЛТИАРИК ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК	10	7	2	Экспертная		

Критерий №3 IV. Иш тажрибаси. 4-шакл (15 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QURILISH TEX MONTAJ CONSTRUKSIYA MCHJ	15	4-шакл	10	Экспертная		
ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК	15	6	10	Экспертная		

Критерий №4 I. Курилиш Рейтинги.(20 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Рейтинг даражаси DD ва ундан юқори

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QURILISH TEX MONTAJ CONSTRUKSIYA MCHJ	20	рейтинг	20	Экспертная		
ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК	20	5	10	Экспертная		

Критерий №5 II. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1-шакл (12 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли курилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар) Ишлаб-чикариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломи 1 та мутахассисни мавжудлиги. Доимий равишда ишловчи 5 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги Ходимларнинг йиллик уртача сони 5-10 киши(ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича тақдим қилинган солиқ ҳисоботлари асосида охириги жами 12 ойда ҳисобланган иш ҳақи миқдори билан те

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QURILISH TEX MONTAJ CONSTRUKSIYA MCHJ	12	1- шакл	10	Экспертная		
ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК	12	4	12	Экспертная		

Критерий №6 V. Машина ва механизмлар рўйхати, 5-6 шакллар (20 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилишни бажариш учун зарур бўлган 1 та дан кам бўлмаган. Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) курилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги курилиш техникаларининг баллари 30% камайтирилади) танлов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа(курилиш шартномалари) объектлари Курилишни бажариш учун зарур бўлган 5 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QURILISH TEX MONTAJ CONSTRUKSIYA MCHJ	20	5-6 шакллар	20	Экспертная		
ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК	20	3	20	Экспертная		

Критерий №7 VII.Солиқдан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома.(5 балл)

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QURILISH TEX MONTAJ CONSTRUKSIYA MCHJ	5	Солиқдан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома	5	Экспертная		
ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК	5	2	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК	273 968 206.00	273 968 000.00 UZS	273 968 000.00	00.00	273 968 000.00	22.11.2022 12:59:24	9.90001
QURILISH TEX MONTAJ CONSTRUKSIYA MCHJ	273 968 206.00	271 228 524.00 UZS	271 228 524.00	00.00	271 228 524.00	22.11.2022 12:43:06	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК	69.3	9.90001	79.20001
QURILISH TEX MONTAJ CONSTRUKSIYA MCHJ	79.2	10	89.2

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 191304 от 23.11.2022 года на приобретение "Қўқон шаҳар Афғонбоғ МФЙнинг Афғонбоғ ва Бурчилик кўчаларига ичимлик ва оқва сув тармоғи тортиш" объектида қурилиш монтаж ишларини бажариш определила победителем:

QURILISH TEX MONTAJ CONSTRUKSIYA MCHJ
306439112

и резервный исполнитель: ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК (300853552)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XOLIQNAZAROV RUSTAMJON SOTIVOLDIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDURAIMOV SHERZOD IKRAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	ENAZAROV UMID KOCHKARVAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	NISHONOV AXMADJON ANVAROVICH	Согласен	
Член комиссии	XO'JAYEV NODIR ABDUNOSIROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



XALQ DEPUTATLARI QO'QON SHAHAR KENGASHI Q A R O R I

2022 - yil 30 - sentabr

VI-52-80-11-166-K/22

Qo'qon shahar hokimligi

Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш мақсадида Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарори асосида жорий йилнинг 15-июлидан 17-сентябрга қадар ўтказилган уч босқичдан иборат жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш жараёни натижалари бўйича Қўқон шаҳар ҳокимлиги молия бўлими мудирининг ўринбосари М.Расуловнинг ахбороти;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022

йил 20 сентябрдаги “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги КҚ-406-IV-сонли қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ишчи гуруҳ хулосаларига асосан, Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашининг қарори билан тасдиқланган Низом талабларидан келиб чиқиб, энг кўп овоз олган ҳамда “Очиқ бюджет” ахорот порталида автоматик тарзда ғолиб сифатида танлаб олинган таклифлар “ғолиб” деб топилсин.

Ушбу таклифларни молиялаштириш бўйича, “Манзиллий рўйхат” 1-иловага мувофиқ;

Жиҳозлаш тадбирлари бўйича товар (хизматлар) реестри 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда ижро учун қабул қилинсин.

Бунда,

- Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмаслик;

- Жамоатчилик фикри асосида ғолиб деб топилган ИД 1390600040 рақамли “Қўқон шаҳар Навбахор, А.Навоий, Саодат МФЙ ларига магистрал газ тармоғи тортиш” мазмунидаги таклиф 1-мавсумда амалга оширилган ишларнинг давоми ҳисобланганлиги ҳамда ушбу таклиф бўйича шаҳар ободонлаштириш бошқармасида лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза хулосаси мавжудлигини инобатга олиб, таклифда кўтарилган муаммони қисқа фурсатда бартараф этиш ва ортиқча харажатларга йўл қўймаслик мақсадида истисно тариқасида ушбу таклифга буюртмачи сифатида шаҳар ободонлаштириш бошқармаси белгиланиши;

- Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган шаҳар бюджети маблағлари шаҳар ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағида жамланган маблағларни бошқа мақсадларга сарфланиши тақиқланиши белгилаб қўйилсин.

3. Тасдиқланган Манзиллий рўйхат асосида:

- Шаҳар ҳокимлиги Молия бўлими (М.Сангинов) танлаб олинган

тадбирларни молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида, буюртмачи ташкилотларига тегишли маблағ манбааси бўйича (4017) “Фуқаролар ташабуси жамғармаси” махсус ҳисоб рақамлари очилишини;

- Шаҳар ҳокимлиги ҳисобхонаси (Р.Қулдашев) жамғарма маблағлари ҳисобидан тегишли буюртмачи ташкилотларга маблағлар йўналтирилишини;

- Буюртмачи ташкилотлар ажратилган маблағларни лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда мақсадли ишлатилиши ва амалга оширилган ишлар бўйича Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши ва Қўқон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ишчи гуруҳга маълумот киритиб борилишини таъминласин.

4. Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашининг 2022 йил 5 февралдаги VI-43-16-11-166-К/22-сонли қарори билан тасдиқланган “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида”ги низомга 3-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Қўқон шаҳар ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари-матбуот котиби (У. Норбоев) ва шаҳар молия бўлими (М.Расулов) билан биргаликда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган ва “Ғолиб” деб топилган тадбирларнинг молиялаштириши ҳамда амалга оширилиши лозим ишлар бўйича маълумотларни “Очиқ бюджет” порталига жойлаштирилиши ва кенг жамоатчиликка мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Қўқон шаҳар бюджетининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши ҳамда маблағларнинг ажратилиши учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига Ишчи комиссия аъзолари шахсан жавобгарлиги эслатиб ўтилсин.

7. Мазкур баён ижросини таъминлаш ва назорат қилиш комиссия аъзолари зиммасига юклатилсин.

Kengash raisi



М.Усмонов

Xalq deputatlari Qo‘qon shahar Kengashining
2022 yil 30 sentabrdagi
VI-52-80-11-166-K/22-son qaroriga
1-ilova

Қўқон шаҳри бўйича "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг 2-мавсуми натижаларига асосан
жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича
МАНЗИЛИЙ РЎЙХАТ

Ҳолиб тақлиф маълумотлари						Амалга оширишнинг аниқланган қиймати	Ҳақиқатда ажратилган маблағ	Буюртмачи этиб белгиланган ташкilot
№	Тақлиф ID рақами	Тақлиф туркуми	Қисқача мазмуни	Тадбирларнинг манзили (Жойлашган МФЙ номи)	Амалга ошириладиган тадбир тури			
			Қўқон шаҳар жами		xxx	11 009	8 020	

1	1390600187	Олий ўқув юртларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тadbирлари	Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали талабалари учун 3Д моделлаштиришга асосланган замонавий компютер хонасига моддий-техник таъминот жуда зарур. 1. 3Д принтер Ултимакер С5 1x125млн; 2. 3Д принтер Снапмакер А350Т 2x30млн; 3. Компютер и7 11700К - 7x18млн; 4. Компютер и9 11900К - 4x20млн; 5. Монитор 27" - 11x4,5млн; 6. Сич+клава+кулокч - 19x0,45млн; 7. Ноутбук - и7 11800Х 8x18млн; 8. Дрон - 1x8млн; 9. Интерактив доска 86" - 2x30млн; 10. Комп стол - 19x1млн; 11. Юмшок стул - 19x3млн; 12. Алоқа қурилмалари - 1x15млн; 13. Рангли принтер А3+ - 2x15млн; 14. Рангли лазерли принтер А3 - 1x30млн; 15. Плоттер А0+ - 1x25млн; 16. Кондиционер - 1x10млн; 17. 3Д Сканер - 1x40млн; 18. Диван 2м - 1x3млн; 19. Сув кулери - 1x2млн; 20. Телевизор 4К 55" - 1x7млн; 21. Проектор СП-ЛСП7ТУАХСЕ - 1x50млн; 22. Фотоаппарат Санон ЭОС 6Д Марк лл - 1x25млн; 23. Видеокамера+штатив+держател - 1x35млн; 24. Бошқа чикимлар (Смета лойиҳа вхкз учун) - 34,5млн. Ташкил қилинган компютер хонаси орқали филиал талабалари Қўқон шаҳрида ИТ соҳасини ривожлантиради.	Қўқон шаҳри Истиклол МФЙ	Жихозлаш	2327	1 200	1 200	Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали
---	------------	---	--	--------------------------	----------	------	-------	-------	---

2	1390600053	Спорт муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари	Қўқон шаҳар 1-сон спорт мактаби биносини жорий таъмирлаш	Қўқон шаҳри Туркистон МФЙ	Таъмирлаш	830	320	320	Қўқон шаҳар 1-сон спорт мактаби
3	1390600044	Ичимлик суви ва оқава тизимини яхшилаш билан боғлиқ тадбирлар	Қўқон шаҳар Афғонбоғ МФЙ нинг Афғонбоғ ва Бурчилик қўчаларига ичимлик ва оқава сув тармоғи тортиш	Қўқон шаҳри Афғонбоғ МФЙ	Қурилиш	807	300	300	Сув таъмионта ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инженеринг компанияси УК худудий бошқармаси
4	1390600040	Табиий газ таъминоти билан боғлиқ лойиҳалар	Қўқон шаҳар Навбахор, А.Навоий, Саодат МФЙ ларига магистрал газ тармоғи тортиш	Қўқон шаҳри Навбахор МФЙ	Қурилиш	750	1 200	1 200	Қўқон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси
5	1390600132	Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш (туман ёки шаҳар кийфасини ўзгартириш) билан боғлиқ тадбирлар	Қўқон шаҳар Ёшлар боғи худудини ободонлаштириш	Қўқон шаҳри Ўрмонбоғ МФЙ	Таъмирлаш	743	300	300	Қўқон шаҳар Маданият бўлими
6	1390600059	Ички йўллارни (пиёдалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар	Қудуклик МФЙ Мингтерак кучаси 1000 метр қисми эни 4 метр, Хужакент 6 тор кучаси 1000 метр эни 4 метр ва Хужакент 7 тор кучаси 1000 метр қисмини эни 4 метр асфалтлаштириш	Қўқон шаҳри Қудуклик МФЙ	Қурилиш	699	1 200	1 200	Фаргона минтақавий йўллارга буюртмачи хизмати ДУК
7	1390600112	Дренаж ва ариқ (зовур) ларни тартибга келтириш билан боғлиқ тадбирлар	Қўқон шаҳар Аччикқўл МФЙ нинг Гулшан кўчасига дренаж ўрнатиш	Қўқон шаҳри Аччик қўл МФЙ	Қурилиш	644	300	300	Қўқон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси
8	1390600068	Қонун ҳужжатлари билан белгиланган мезонларга мувофиқ бошқа тадбирлар	Қўқон шаҳар 42-мактаб пиёдалар йўлакчасига светафор ўрнатиш	Қўқон шаҳри Ок олтин МФЙ	Қурилиш	590	70	70	Қўқон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси
9	1390600179	Дренаж ва ариқ (зовур) ларни тартибга келтириш билан боғлиқ тадбирлар	Қўқон шаҳар Латофат кучасидан утган ариқ Кипчокарининг Бир тармоғи булиб, Ушбу ариқка 45-боғчада жойлашган дренаж суви ҳам чиқарилган. Ариқ атрофи бетонланмаган. Шу бетонланмаган жойларига бетонлаш еки ирригация лотогини урнатиш зарур	Қўқон шаҳри Давронбек МФЙ	Қурилиш	585	300	300	Сўх охтепа ирригация тизим бошқармаси

10	1390600065	Ички йўллари (пидедалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар	Қўқон шаҳар Ачиккўл МФЙ га қарашли Боғдод, Ок йўл тор тупик кўчаларини асфалт қилиш Ачиккўл мавзесига пидедалар йўлакчаси қилиш 6200 м2	Қўқон шаҳри Ачиккўл МФЙ	Қурилиш	580	500	500	Фаргона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУК
11	1390600127	Қонун хужжатлари билан белгиланган мезонларга мувофиқ бошқа тадбирлар	Қўқон шаҳар Нонвойликгузар МФЙ А.Исломов кучасига 3 мактаб олдига светофор урнатиш	Қўқон шаҳри Нонвойлик гузари МФЙ	Қурилиш	526	80	80	Қўқон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси
12	1390600098	Аҳоли дам олиш масканларини таъмирлаш ёки моддий-техник базасини ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар	Қўқон шаҳрида жойлашган ўрда майдонининг сугориш тизимини таъмирлаш, чиқинди яшиқлари ўрнатиш, аҳоли дам олиши учун ўриндиқлар сотиб олиш	Қўқон шаҳри Яланғоч ота МФЙ	Қурилиш	524	450	450	Қўқон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси
13	1390600184	Маҳалла гузари (маҳаллада умумфойдаланишда бўлган бошқа объектлар) ни таъмирлаш-тиклаш билан боғлиқ харажатлар	Қўқон шаҳар Ғишткўприк МФЙ нинг худудига маҳалла гузари қуриш	Қўқон шаҳри Ғишткўприк МФЙ	Қурилиш	494	500	500	Ягона буюртмачи инженеринг компанияси (ГУКС)
14	1390600058	Маҳалла гузари (маҳаллада умумфойдаланишда бўлган бошқа объектлар) ни таъмирлаш-тиклаш билан боғлиқ харажатлар	Қўқон шаҳар Исломобод МФЙ биносини жорий таъмирлаш	Қўқон шаҳри Исломобод МФЙ	Таъмирлаш	456	100	100	Қўқон шаҳар маҳалла ва нурунийларни қўллаб қувватлаш бўлими
15	1390600012	Ички йўллари (пидедалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар	Қўқон шаҳар Ок олтин МФЙ ички кўчаларини асфальтлаштириш 1. Сарқор 700м 2. Қушбеги 200м 3. Оби раҳмат 1000м 4. Оқибат 1,2 тор 700м 5. Шикоргоҳ 1,2,3,4 тор 900м 6. Меҳржон 200м 7. Туйхона 800м Жами 4500 метр	Қўқон шаҳри Ок олтин МФЙ	Қурилиш	454	1 200	1 200	Фаргона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУК

Xalq deputatlari Qo'qon shahar Kengashining
2022 yil 30 sentabrdagi
VI-52-80-11-166-K/22-son qaroriga
2-ilova

Қўқон шаҳар бўйича ўтказилган ташаббусли бюджет жараёни якунларига кўра ғолиб бўлган
ID1390600187 лойиҳани амалга ошириш бўйича харид қилинадиган товар (хизматлар)

Реестри

Минг сўмда

Т/Р	Товар (хизмат) номи	сони	Бозор нархи	Суммаси
1	3D принтер (Snapmaker A350T)	2	34 500	69 000
2	Компютер (i7 11700 K)	2	20 700	41 400
3	Компютер (i9 11900 K)	2	23 000	46 000
4	Монитор (27")	4	5 175	20 700
5	Сичқонча+Клавиатура+қулоқчин	6	515	3 090
6	Ноутбук(i711800)	2	20 700	41 400
7	Интерактивний доска	1	42 550	42 550
8	Компютер столи	40	1 150	46 000
9	Юмшоқ стул	19	3 450	65 550
10	Рангли лазер принтер (A3)	1	34 500	34 500
11	Плоттер (A0)	1	28 750	28 750
12	Кондиционер	2	15 500	31 000
13	Диван	1	3 910	3 910
14	Куллер	1	2 400	2 400
15	Проектор	12	5 750	69 000

16	Фото аппарат (Canon EOS6D)	1	22 750	22 750
17	Видеокамера	1	35 000	35 000
18	Компьютер (hp Core i5-8400)	8	19 500	156 000
19	Компьютер (hp Core i5)	20	12 200	244 000
20	Компьютер (hp Core i3)	20	9 100	182 000
21	Овоз кучайтиргич	1	15 000	15 000
Жами				1 200 000

Xalq deputatlari Qo‘qon shahar Kengashining
2022 yil 30 sentabrdagi
VI-52-80-11-166-K/22-son qaroriga
3-ilova

Қўқон шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар

Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашининг 2022 йил 5 февралдаги VI-43-16-11-166-K/22-сонли Қарори билан тасдиқланган Қўқон шаҳар бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомга қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур низом шаҳар бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш, шунингдек, “Очиқ бюджет” портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш тартибини белгилайди”;

2) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**жамоатчилик фикри**– ушбу Низомда белгиланган тартибда фуқаролар томонидан шаҳарда мавжуд ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишга қаратилган ишларни (хизматларни) мазкур ҳудуд маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш бўйича билдирилган таклифлар;

ташаббусли бюджет жараёни– “Очиқ бюджет” ахборот порталида (кейинги ўринларда – Портал) жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, уларни саралаш ва овоз бериш жараёни доирасида ғолиб лойиҳаларни аниқлаш ҳамда туман ва шаҳар бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни ўз ичига олган жараён;

ғолиб лойиҳа – Порталда овоз бериш жараёни якунларига кўра тўпланган овозлар сони асосида автоматик

тарзда танлаб олинган лойиха;

фуқаролар ташаббуси жамғармаси–Қўқон шаҳар ҳокимлигида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклида очилган шахсий ғазна ҳисобварағи;

лойиҳаларни амалга ошириш хронологияси– ташаббусли бюджет жараёни доирасида ғолиб деб топилган лойиҳаларни амалга оширишнинг барча босқичларини Портал орқали бевосита фуқароларга кузатиб бориш имкониятини берувчи махсус бўлим;

ишчи комиссия – жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича Қўқон шаҳар ҳокимлиги қошида ташкил этилган комиссия;

онлайн мурожаат– Порталда фуқаролар томонидан савол, шикоят, таклиф ёки қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан хабар қолдириш имкониятини берувчи махсус саҳифа”;

3) қуйидаги мазмундаги 2¹, 2², 2³, 2⁴ ва 25-боблар билан тўлдирилсин:

**“21-боб. “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик
фикри шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш тартиби**

32⁴. Фуқаролар ташаббуси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари фақат Портал орқали ғолиб деб топилган лойиҳаларни молиялаштириш учун сарфланади. Бунда лойиҳада назарда тутилган тадбирлардан ташқари ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар (тегишли ташкилотларнинг хулосалари, якуний кўрикдан ўтказиш харажатлари ва бошқалар) учун ҳам тўловлар молиялаштирилишига йўл қўйилади.

32⁵. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тегишли халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашлари қарори асосида амалга оширилади.

32⁶. Лойиҳаларни кўриб чиқиш ва амалга ошириш бўйича буюртмачи ташкилотлар мазкур низомнинг 5-иловасига мувофиқ тарзда белгиланади.

32⁷. Ташаббусли бюджет жараёни доирасида фуқаролар томонидан келиб тушган лойиҳалар Ишчи комиссия томонидан Порталга келиб тушган кундан бошлаб 10 кун ичида мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ лойиҳанинг мазмунан тегишлилиги бўйича буюртмачи корхоналарга (кейинги ўринларда – буюртмачи) юборилади.

32⁸. Буюртмачилар томонидан лойиҳалар қабул қилинган кундан бошлаб 10 иш кунида қонун ҳужжатларида белгиланган мезонларга мувофиқлиги юзасидан лойиҳаларни кўриб чиқади ва Ишчи комиссияга лойиҳаларни қабул қилиш (лойиҳанинг қиймати ва амалга ошириш учун талаб этиладиган қўшимча ҳужжатлар рўйхатини илова қилган ҳолда) ёки асослантилган ҳолда рад этиш юзасидан хулоса тақдим этади.

32⁹. Ишчи комиссия лойиҳаларни буюртмачилар томонидан тақдим этилган хулосалар асосида овоз бериш босқичига ўтказади.

32¹⁰. Овоз бериш босқичи яқунларига кўра лойиҳаларга тўпланган овозлар сонидан келиб чиқиб, Портал томонидан автоматик тарзда “ғолиб” лойиҳалар рўйхати шаклланади.

32¹¹. Ташаббусли бюджет жараёни доирасида овоз бериш босқичи яқунлангандан сўнг 7 кун муддатда “ғолиб” деб топилган лойиҳаларни молиялаштириш юзасидан Ишчи комиссия томонидан халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашига қарор лойиҳаси киритилади.

32¹². Қарор лойиҳасига ғолиб деб топилган лойиҳаларни молиялаштириш юзасидан “Манзилли рўйхат” илова қилинади. Манзилли рўйхат қуйидагиларни ўз ичига олади:

- голиб деб топилган лойиҳанинг Порталдаги хос “ID” рақами;
- амалга ошириладиган тадбирларнинг аниқ манзили ёки балансда сақловчи корхонанинг манзили ва номи;
- лойиҳада назарда тутилган амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларнинг қисқача мазмуни;
- тадбирни амалга ошириш учун талаб этиладиган дастлабки маблағ қиймати;
- лойиҳани амалга ошириш учун буюртмачи этиб белгиланган корхона;
- лойиҳани амалга ошириш учун талаб этиладиган қўшимча ҳужжатлар (биноларни қуриш учун экспертиза ҳужжатлари, ҳокимнинг ер ажратиш тўғрисидаги тегишли қарори, лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бошқалар);
- агар тадбир бевосита товар ва моддий қийматликлар (хизматлар)ни харид қилиш билан боғлиқ бўлса, ушбу лойиҳалар бўйича мазкур низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда харид қилинадиган товар (хизматлар) реестри (кейинги ўринларда – Реестр) илова қилинади. Бунда реестрда кўзда тутилган харидларнингжами суммаси Манзилли рўйхатда тегишли лойиҳани молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағдан ортиб кетишига йўл қўйилмайди;
- харид қилиш тартиб-таомили тури (электрон дўкон, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион, энг яхши таклифларни танлаш, тендер ва бошқалар).

32¹³. Манзилли рўйхат белгиланган тартибда расмийлаштирилиши, жумладан, буюртмачи ташкилотлар тўғри танланиши, Реестр тўғри шакллантирилиши, харид қилиш тартиб-таомили тури ва лойиҳани амалга ошириш аниқ манзили каби маълумотлар тўғри кўрсатилиши учун Ишчи комиссия масъул ҳисобланади.

32¹⁴. Голиб деб топилган лойиҳаларни амалга ошириш учун ер ва бошқа ресурслар ажратилиши, шунингдек, тегишли соҳа инспекцияларининг экспертиза хулосалари талаб этилган ҳолларда, ушбу ресурсларни ажратиш бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга ташкилотларга Манзилли рўйхат тасдиқлангандан сўнг 1 иш кунида шаҳар ҳокимлиги томонидан сўров юборилади.

32¹⁵. Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши томонидан қарор ва манзилли рўйхат тасдиқланганидан сўнг Қўқон шаҳар молия бўлими томонидан ғолиб деб топилган лойиҳаларни молиялаштириш учун буюртмачи ташкилотларга ҳар бир лойиҳа учун алоҳида Молия вазирлиги Ғазначилигида маблағлар манбаси “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” бўлган шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади.

32¹⁶. Очилган шахсий ғазна ҳисоб варақларига 3 иш куни ичида Жамғарма ҳисобидан Қўқон шаҳар ҳокимлиги томонидан ғолиб деб топилган лойиҳалар учун Манзилли рўйхатда назарда тутилган маблағлар ўтказиб берилади.

32¹⁷. Манзилли рўйхатда назарда тутилган маблағлар тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказиб берилгандан сўнг буюртмачи ташкилотлар 3 иш кунда товар-моддий бойликлар (ишлар ва хизматлар) харид қилиш учун таъминотчи корхоналарни аниқлаш, қурилиш-таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини шакллантириш ва лойиҳачи корхоналарни аниқлаш бўйича давлат харидлари электрон тизимига эълон жойлаштиради.

32¹⁸. Қурилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза ҳулосаси олинган кундан бошлаб 1 иш кунда буюртмачи ташкилотлар Манзилли рўйхатда кўрсатилган харид қилиш тартиб-таомили тури бўйича пудратчи корхоналарни аниқлаш чораларини кўради.

32¹⁹. Ғолиб лойиҳалар амалга ошириш шакллари кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- товар-моддий бойликлар (хизматлар) харид қилиш бўйича тадбирлар;
- бино ва иншоотларни жорий ёки капитал таъмирлаш (реконструкция қилиш) бўйича тадбирлар;
- бино ва иншоотлар қуриш (барпо этиш) бўйича тадбирлар.

22-боб. Товар-моддийбойликлар (хизматлар) харид қилиш бўйича тадбирларни молиялаштириш

32²⁰. Товар-моддий бойликлар (хизматлар) харид қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда буюртмачи ташкилот давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий қийматликлар (хизматлар)ни етказиб берувчи ёки пудратчиларни аниқлаш:

- электрон дўкон орқали;

- бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион орқали;

- энг яхши таклифларни танлаш орқали;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали давлат харидларини амалга оширади.

32²¹. Товар-моддий бойликлар (хизматлар) харид қилиш 3220-бандда келтирилган харид қилиш тартиб-таомили тури орқали тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

32²². Ажратилган маблағлар фақат Манзилли рўйхатга илова қилинган Реестрда назарда тутилган товар-моддий қийматликлар (хизматлар)ни харид қилиш учун сарфланади. Бунда реестрга киритилган товар-моддий бойликлар (хизматлар) тури ўзгартирилишига ёки сони оширилишига йўл қўйилмайди.

32²³. Харид қилиниши назарда тутилган товар-моддий қийматликларни ҳақиқий бозор нархи ёлиб деб топилган лойиҳа учун назарда тутилган маблағдан ортиқ бўлса, ушбу ҳолатда Реестрнинг жами суммасига аниқлик киритилиши мумкин. Бундай ҳолларда етишмаган маблағлар Жамғарма ҳисобидан ажратилиши учун Манзилли рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши қарори қабул қилиниши лозим.

32²⁴. Харид қилинган товар-моддий қийматликлар буюртмачи ташкилот балансига кирим қилинади ва

белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоботларида акс эттирилади.

32²⁵. Буюртмачи ташкилот харид қилинган товар-моддий қийматликларни сақлаб туриш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш юзасидан келгуси молия йили учун бюджет сўровида тегишли маблағлар кўзда тутилишини таъминлайди.

32²⁶. Умумфойдаланишда бўлган табиий ресурслар билан таъминлаш воситалари (трансформатор, қувурлар, узеллар ва бошқа табиий ресурсларни етказиб беришда қўлланиладиган воситалар)дан фойдаланишда буюртмачи ташкилот мазкур воситаларни ўз балансига кирим қилади ҳамда томонлар ўртасида келишув асосида тегишли эксплуатация корхоналарига фойдаланиш учун беради.

23-боб. Бино ва иншоотларни жорий ёки капитал таъмирлаш (реконструкция қилиш) бўйича тадбирларни амалга ошириш

32²⁷. Мавжуд бино ва иншоотларни жорий ёки капитал таъмирлаш (кейинги ўринларда – таъмирлаш) бўйича тадбирлар буюртмачи ташкилот томонидан “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ:

а) таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун Манзилли рўйхатда кўрсатилган қўшимча талаб этиладиган ҳужжатларни:

- электрон дўкон орқали;
- энг яхши таклифларни танлаш орқали;
- ягона етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шаклда;

б) таъмирлаш ишларини амалга оширувчи пудратчи ташкилотларни:

- энг яхши таклифларни танлаш орқали амалга оширади.

32²⁸. Таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳамда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш учун пудратчиларни аниқлаш 32²⁷-бандда келтирилган усуллардан бири орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

32²⁹. Ажратилган маблағлар фақат Манзилли рўйхатда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш ва ушбу тадбирларни бажариш учун қўшимча талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш харажатларига сарфланиши мумкин. Бунда Манзилли рўйхатда кўрсатилган таъмирлаш ишлари ҳажмининг оширилишига йўл қўйилмайди.

32³⁰. Таъмирлаш ишларининг ҳақиқий бозор нархи Манзилли рўйхатда назарда тутилган маблағдан ортиқ бўлса, экспертизадан ўтказилган лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда буюртмачи корxonанинг хулосасига асосан лойиҳанинг амалга ошириш якуний қийматига аниқлик киритилиши мумкин. Бундай ҳолларда қўшимча талаб этиладиган маблағлар Жамғарма ҳисобидан ажратилиши учун Манзилли рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши қарори қабул қилиниши лозим.

32³¹. Таъмирлаш ишлари учун буюртмачи этиб, қоида тариқасида, балансда сақловчи ёки бюджет маблағи тақсимловчи белгиланади. Агар лойиҳанинг амалга ошириш қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 баробаридан ортиқ бўлса (ички йўлларни таъмирлаш бундан мустасно), буюртмачи этиб вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК ДУКбуюртмачи этиб белгиланиши мумкин.

32³². Буюртмачи корхона этиб ягона буюртмачи корxonалар белгиланганда ушбу корхона учун Қўқон шаҳар даражасида махсус ғазна ҳисоб варақлари очилиб, “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан ғолиб лойиҳани амалга ошириш учун кўзда тутилган маблағлар ўтказиб берилади.

32³³. Таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун ягона буюртмачи корхона ва балансда сақловчи ўртасида битим имзоланади. Битимда лойиҳани амалга ошириш қиймати, амалга ошириладиган ишлар, қабул қилиб олиш

муддати ва бошқа техник кўрсаткичлар акс эттирилади.

32³⁴. Ягона буюртмачи корхоналар томонидан лойиҳани амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пудратчи корхоналар билан шартномалар расмийлаштирилади.

32³⁵. Таъмирлаш ишлари яқунлангандан сўнг таъмирланган объект амалга оширилган ишлар юзасидан тегишли ҳужжат ва хулосалар билан бирга балансда сақловчига топширилади.

32³⁶. Таъмирлаш ишларисифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши учун жавобгарлик буюртмачи ташкилот зиммасига юклатилади.

24-боб. Бино ва иншоотлар қуриш (барпо этиш) билан боғлиқ тадбирлар

32³⁷. Жамоатчилик эҳтиёжи учун фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган объектлар, шу жумладан, бино ва иншоотларни қуришда (кейинги ўринларда – қурилиш ишлари) буюртмачи этиб:

- қурилиш ишларининг амалга ошириш қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваригача бўлса, балансда сақловчи корхона томонидан (кейинчалик объектни қабул қилиб олишда тегишли мутахассисларни ёллаган ҳолда уларнинг хулосасини олиш шarti билан);

- қурилиш ишларининг амалга ошириш қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваридан ортиқ бўлса, ягона етказиб берувчи корхоналар белгиланади.

32³⁸. Балансда сақловчилар буюртмачи сифатида қуриш ишларини амалга оширишда:

а) қурилиш ишларини амалга ошириш учун Манзилли рўйхатда кўрсатилган қўшимча талаб этиладиган ҳужжатларни:

- электрон дўкон орқали;

- аукцион орқали;
- энг яхши таклиф ларни танлаш орқали;
- ягона етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шаклда;

б) қурилиш ишларини амалга оширувчи пудратчи ташкилотларни:

- энг яхши таклифларни танлаш орқали;
- тендер орқали аниқлаган ҳолда амалга оширади.

32³⁹. Ажратилган маблағлар фақат Манзилли рўйхатда назарда тутилган қурилиш ишларини амалга ошириш ва ушбу тадбирларни бажариш учун қўшимча талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш харажатларига сарфланиши мумкин. Бунда Манзилли рўйхатда кўрсатилган қурилиш ишлари ҳажми оширилишига йўл қўйилмайди.

32⁴⁰. Балансда сақловчилар сифатида буюртмачи белгиланиб ишлар амалга оширилганда қурилиш ишлари яқунларига кўра бажарилган ишларни белгиланган техник мезонларга мувофиқлиги юзасидан мутахассислар жалб этилган ҳолда объектлар қабул қилиб олинishi ва фойдаланишга топширилиши лозим.

32⁴¹. Қурилиш ишларининг ҳақиқий бозор нархи Манзилли рўйхатда назарда тутилган маблағдан ортиқ бўлса, экспертизадан ўтказилган лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда буюртмачининг хулосасига асосан қурилиш ишларининг яқуний қийматига аниқлик киритилиши мумкин. Бундай ҳолларда етишмаган маблағлар Жамғарма ҳисобида ажратилиши учун Манзилли рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан халқ депутатлари туман Қўқон шаҳар Кенгаши қарори қабул қилиниши лозим.

32⁴². Буюртмачи корхона этиб ягона буюртмачи корхоналар белгиланганда ушбу корхона учун тегишли шаҳар даражасида махсус ғазна ҳисобварақлари очилиб, “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан ғолиб лойиҳани амалга ошириш учун кўзда тутилган маблағлар ўтказиб берилади.

32⁴³. Қурилиш ишларини амалга ошириш учун ягона буюртмачи корхона ва балансда сақловчи ўртасида битим имзоланади. Битимда лойиҳани амалга ошириш қиймати, амалга ошириладиган ишлар, қабул қилиб олиш муддати ва бошқа техник кўрсаткичлар акс эттирилади.

32⁴⁴. Ягона буюртмачи корхоналар томонидан лойиҳани амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пудратчи корхоналар билан шартномалар расмийлаштирилади.

32⁴⁵. Қурилиш ишлари якунлангандан сўнг Ягона буюртмачи корхона томонидан янги қурилган объектлар тегишли ҳужжат ва фойдаланишга лойиқ эканлиги юзасидан техник хулосалар билан бирга балансда сақловчига топширилади.

32⁴⁶. Қурилиш ишларисифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши учун жавобгарлик буюртмачи ташкилот зиммасига юклатилади.

25-боб. Лойиҳаларни амалга оширишда жамоатчили назоратининг ўрнатилиши

32⁴⁷. Қўқон шаҳар ҳокимликлари қошида ташкил этилган Ишчи комиссия томонидан ташаббусли бюджет жараёнлари ижроси юзасидан ҳар чорак якунларига кўра ҳисоботлар ҳокимликнинг расмий веб-сайти ҳамда Портал орқали жамоатчиликка эълон қилиб борилади.

32⁴⁸. Голиб деб топилган лойиҳаларни амалга оширишнинг барча босқичлари фуқаролар учун очиклигини ва улар томонидан жамоатчилик назорати ўрнатилишини таъминлаш мақсадида Порталда “лойиҳаларни амалга ошириш хронологияси” юритиб борилади.

32⁴⁹. Ишчи комиссия лойиҳаларни амалга ошириш хронологиясида тегишли маълумотлар белгиланган муддатларда киритилишига ва янгилаб борилишига масъул ҳисобланади.

32⁵⁰. Лойиҳаларни амалга ошириш хронологияси қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- буюртмачи ташкилот номи;
- лойиҳа учун очилган ҳисобварақ;
- лойиҳа учун ажратилган маблағ миқдори;
- лойиҳа-смета ва экспертиза ҳужжатлари;
- “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ўтказилган танловлар;
- пудратчи корхона тўғрисида маълумотлар;
- амалга оширилган харажатлар ва расмийлаштирилган шартномалар.

32⁵¹. Ғолиб деб топилган лойиҳалар муаллифлари томонидан тадбирларни амалга оширишнинг барча босқичларини кузатиш ҳамда бажарилган ишларни реал-вақт кўринишида баҳолаб бориш имкониятига эга бўлади. Бунда жамоатчилик назорати доирасида фуқаролар тадбирларни кузатиб бориш орқали қонун бузилиши ҳолатлари ёки камчиликлар кузатилганда шикоят тарзида ваколатли органларга ёки Портал орқали “онлайн мурожаат” саҳифасига мурожаат қилишлари мумкин.

32⁵². Ғолиб деб топилган лойиҳа ташаббускорлари томонидан лойиҳани амалга оширишда бошқа кўринишдаги аралашувларга (пудратчи корхонани аниқлаш ёки ишларни уларнинг ўзлари томонидан амалга ошириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва шу кабиларга) йўл қўйилмайди.

32⁵³. Лойиҳалар амалга оширилгандан сўнг ғолиб деб топилган лойиҳалар ташаббускорлари томонидан амалга оширилган ишлар Порталда “Жамоатчилик назорати” бўлими орқали баҳоланади ва бажарилган ишлар юзасидан камчиликлар кузатилганда изоҳлар билдириш ҳамда фото ёки видео материаллар илова қилиш имконияти яратилади.

32⁵⁴. Лойиҳаларни амалга ошириш давомида ёки ишлар якунлангандан сўнг бажарилган ишлар натижаларига кўра ортиқча тўловлар ёки камомад аниқланган ҳолларда, аниқланган камомад маблағлари тегишлилиги бўйича жамғармага тўлиқ қайта тикланиши таъминланади”;

4) 5 ва 6-иловалар билан тўлдирилсин.

*Кўқон шаҳар бюджетни маблағларини
жамоатчилик фикри асосида
шакллантирилган тадбирларга йўналтириш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова*

Ташаббусли бюджет жараёни якунларига кўра ғолиб бўлган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича буюртмачи ташкилотлар рўйхати

Т/Р	Лойиҳанинг қисқача номи	Балансда сақловчи	Буюртмачи корхона		
			харид тадбирлари	таъмирлаш тадбирлари*	қуриш тадбирлари*
1	Автомобиль йўлларини (пидедалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар	шаҳар ободонлаштириш бошқармаси	X	шаҳар ободонлаштириш бошқармаси/ Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУК	шаҳар ободонлаштириш бошқармаси/ Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУК
		Умумфойдаланишдаги йўллар	X	Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУК	Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУК
2	Мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари	Мактабгача таълим бўлими	Мактабгача таълим бўлими	Мактабгача таълим бўлими/ягона буюртмачи корхона	Мактабгача таълим бўлими/ягона буюртмачи корхона
3	Кўча чироқларини ўрнатиш ёки таъмирлаш (симёғоч ўрнатиш) тадбирлари	шаҳар ободонлаштириш бошқармаси	шаҳар ободонлаштириш бошқармаси	шаҳар ободонлаштириш бошқармаси	шаҳар ободонлаштириш бошқармаси
4	Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари	Халқ таълими бўлими	Халқ таълими бўлими	Халқ таълими бўлими/ягона буюртмачи корхона	Халқ таълими бўлими/ягона буюртмачи корхона
5	Болалар майдончаларини (ўйингоҳларини) барпо этиш ёки таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар	Маҳалла фуқаролар йиғини	Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қуватлаш бўлими	Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қуватлаш бўлими /ягона буюртмачи корхона	Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қуватлаш бўлими /ягона буюртмачи корхона
		Қўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш ширкатлари	Ҳокимлик	Ҳокимлик/ягона буюртмачи корхона	Ҳокимлик/ягона буюртмачи корхона

T/P	Лойиҳанинг қисқача номи	Балансда сақловчи	Буюртмачи корхона		
			харид тадбирлари	таъмирлаш тадбирлари*	қуриш тадбирлари*
6	Кўп қаватли уйларни таъмирлаш тадбирлари	Кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш ширкатлари	X	Ҳокимлик	Ҳокимлик/ягона буюртмачи корхона
7	Спорт муассасалари ёки соғломлаштириш марказларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш	Барча ҳолларда	Спортни ривожлантириш бўлими	Спортни ривожлантириш бўлими	Спортни ривожлантириш бўлими
8	Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари	Тиббиёт бирлашмаси	Тиббиёт бирлашмаси	Тиббиёт бирлашмаси/ягона буюртмачи корхона	Тиббиёт бирлашмаси/ягона буюртмачи корхона
9	Маҳалла гузари (маҳаллада умумфойдаланишда бўлган бошқа объектлар)ни таъмирлаш-тиклаш билан боғлиқ харажатлар	Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими	Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими	Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими/ягона буюртмачи корхона	Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими/ягона буюртмачи корхона
10	Дренаж ва ариқ (зовур)ларни тартибга келтириш билан боғлиқ тадбирлар	Ирригация бўлими	X	Ирригация бўлими	Ирригация бўлими
11	Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш (туман ёки шаҳар қиёфасини ўзгартириш) билан боғлиқ тадбирлар	Ободонлаштириш бошқармаси	Ободонлаштириш бошқармаси	Ободонлаштириш бошқармаси	Ободонлаштириш бошқармаси
12	Қабристонларни тартибга келтириш тадбирлари	Ободонлаштириш бошқармаси	Ободонлаштириш бошқармаси	Ободонлаштириш бошқармаси	Ободонлаштириш бошқармаси
13	Аҳоли дам олиш масканларини таъмирлаш ёки моддий-техник базасини ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар	Барча ҳолларда	Балансда сақловчи бюджет ташкилоти	Балансда сақловчи бюджет ташкилоти/ягона буюртмачи корхона	Балансда сақловчи бюджет ташкилоти/ягона буюртмачи корхона
14	Табиий газ таъминоти билан боғлиқ лойиҳалар	Шаҳар газ таъминоти	X	шаҳар ҳокимлиги/ягона буюртмачи корхона	шаҳар ҳокимлиги/ягона буюртмачи корхона
15	Электр таъминоти, трансформатор ўрнатиш ва таъмирлаш тадбирлари	Худудий электр тармоқлари корхонаси	шаҳар ҳокимлиги	шаҳар ҳокимлиги/ягона буюртмачи корхона	шаҳар ҳокимлиги/ягона буюртмачи корхона
16	Ичимлик суви ва оқава сув тизимини яхшилаш билан боғлиқ тадбирлар	Сув таъминоти корхонаси	X	шаҳар ҳокимлиги/Сув таъмионта ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инженеринг компанияси УК худудий бошқармалари	шаҳар ҳокимлиги/Сув таъмионта ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инженеринг компанияси УК худудий бошқармалари

Т/Р	Лойиҳанинг қисқача номи	Балансда сақловчи	Буюртмачи корхона		
			харид тадбирлари	таъмирлаш тадбирлари*	қуриш тадбирлари*
17	Муסיқа ташкилотларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари	Муסיқа мактаблари	Муסיқа мактаблари	Муסיқа мактаблари/ягона буюртмачи корхона	Муסיқа мактаблари/ягона буюртмачи корхона
18	Бошқа таълим муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари	Бюджет маблағларини тақсимловчиси	Бюджет маблағларини тақсимловчи	Бюджет маблағларини тақсимловчи/ягона буюртмачи корхона	Бюджет маблағларини тақсимловчи/ягона буюртмачи корхона
19	Олий ўқув юртларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари	Олий ўқув юрти	Олий ўқув юрти	Олий ўқув юрти/ягона буюртмачи корхона	Олий ўқув юрти/ягона буюртмачи корхона
20	Бошқалар	X	шаҳар ҳокимлиги	шаҳар ҳокимлиги	шаҳар ҳокимлиги

Изоҳ:

1. Агар ушбу рўйхатда кўрсатиб ўтилган буюртмачи корхоналар мавжуд бўлмаса, халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши томонидан бошқа буюртмачи корхона белгиланиши мумкин;

2. Ушбу рўйхатда кўрсатиб ўтилмаган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича буюртмачиларни белгилаш халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши томонидан амалга оширилади.

Қўқон шаҳар бюджетлари маблағларини
 жамоатчилик фикри асосида
 шакллантирилган тадбирларга
 йўналтириши тартиби тўғрисидаги
 низомга
 б-илова

_____ шаҳар бўйича ўтказилган ташаббусли бюджет жараёни якунларига кўра ғолиб бўлган
 ID _____ лойиҳани амалга ошириш бўйича харид қилинадиган товар (хизматлар)
 Реестри

Минг.сўм

Т/Р	Товар (хизмат) номи	сони	бозор нархи	Суммаси
1				
2				
3				
4				
5				
...				
Лойиҳанинг амалга ошириш жами қиймати*				

*Манзилли рўйхатда назарда тутилган маблағдан ортиб кетиши **мумкин эмас.**